


# PEDAGOGIK MAHORAT

**MS**  
**2021**



Олимжон АХМАДОВ

Бухоро давлатуниверситети  
педагогика кафедраси ўқитувчиси

## БУХОРОДА ЯНГИ УСУЛ МАКТАБЛАРИ ФАОЛИЯТИ (XIX АСР ОХИРИ ХХ АСР И ЧОРАГИ)

Ушбу мақолада Бухорода XIX аср охири - XX аср биринчи чорагида таълим-тарбия муаммоларига бағишлаб яратилган манбалар ва адабиётлар илмий жиҳатдан таҳлил қилинганд.

**Калитсўзлар:** манба, манбашунослик, таълим, тарбия, узлуксиз таълим, тадқиқот, мақола, дастур, тизим, анъанавий таълим, мактаб, мадраса.

В данной статье научно исследовано на основе источников и литературы по проблемам образования и воспитания в Бухаре в конце XIX и первой четверти XX века.

**Ключевые слова:** источник, источниковедение, образование, воспитание, системное образование, исследование, статья, программа, система, традиционное образование, школа, медресе.

In the following article the sources and literature related with the education-upbringing in Bukhara in the end of 19<sup>th</sup> first quarter of the 20<sup>th</sup> century is scientifically analyzed.

**Key words:** source, source studiers, education-upbringing, chain education, study, article, program, system, nontraditional education, school, madrassa.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси илк мустақиллик йилларида таълим ва тарбия масалалрига давлат сиёсати даражасида жиддий муносабатда бўлди. Совет ҳокимияти даврида буюк давлатчилик ва шовинизм сиёсати негизида асослантирилган таълим-тарбия тизимини миллий ўзликни англаш, миллий урф-одат аънаналардан узоклашиш, миллий менталитетни йўқотиш, шу аснода “Европача” усулда шаклланишга йўналтирилган эди. 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган тарихий хужжат “Таълим тўғрисида”ги Қонун белгиланган вазифаларни бажариш таълим-тарбиянинг ўзбек моделини яратишга асос бўлди. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Ёшлиримизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, баҳти бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз” деган даъватлари таълимнинг сифатли ва самарали ташкил этилишини, айниқса, бошлангич синфлардан бошлаб ўқувчиларни мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга шахс сифатида тарбиялаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири эканлигини ифодалайди. Юртимизда қадимдан шаклланган, аждодларни камолга етишига хизмат қилган маънавий қадирят ва таълим-тарбия тизими совет ҳокимияти йилларида ҳукмрон мафкура тазиқи остида бир ёқлама ёритилиб келди. Аслида ота боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифатни, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови деб билган.

Бухоро амирлигига янги усул мактабларидағи таълим-тарбия амирликда XIX аср охирида вужудга келган. Янги мактабларга усули-савтия, тадрижия (ривожланувчи товуш усули) деб ном берилган.

1911 йилнинг бошларида Мукомилиддин Бурхонов томонидан Бухорода янги усул мактаби очилди. Ушбу мактабдаги ўқувчилар сони 40 нафардан ортиқ бўлган [44]. Бухородаги жадид мактаблари ичида Мукомилиддин Бурхонов ташкил этган мактаб ўзининг жиҳозланиши билан ажralиб турган, унда ойналик деразалар, темирдан ясалган печкалар мавжуд эди. Янги ўқувчини қабул қилиш, синфдан синфга кўчириш, мактабни битириш қатъий тартибда бўлган, ўқувчилар билимини баҳолаш 6 баллик тизим билан амалга оширилган, имтиҳонлар ташкил этилиб, улар тарғибот мақсадида ошкора, намойишкорона тарзда ўтказилган [13].

Бухорода Амир Олимхон томонидан амалга оширилган тадбирлардан бири - мавжуд кичик-кичик (баъзан 3-4 нафар ўқувчидан ташкил топган) мактабларни йирикроқ қилиб бирлаштирилиши, мактаб ўқитувчилари учун хазинадан маош тайинланиши бўлиб, бу соҳага озроқ бўлса-да ҳукуматнинг аралашаётганлигидан далолат берар эди [45]. Бу хақда ўша давр матбуоти хабар қиласди.

1911-1912 йилларда Бухоро амирлиги худудида янги усул мактабларининг сони 57 тага етади [46].

1912 йилнинг 9 октябрида Чоржуйда Отакула Хужаев(Отаулла Хужаев)нинг янги усул мусулмон мактаби очилади. 1912 йилнинг бошларида Ёш бухороликларнинг фаол аъзоларидан бўлган Усмон Хўжа жадид мактабларидан бирини қайта ташкил этади [9].

Усмон Хўжа ташкил этган жадид мактабларида таълим-тарбия жараёнлари бутунлай янги тартиблар асосида йулга қўйилган эди. Болаларни ёшларига қараб синфларга бўлиш, бир кунда 4-5 соатдан ортиқ дарс ўтмаслик, ҳар бир дарсдан сунг 10 дақиқалик танаффус жорий қилиш, асосий эътиборни дунёвий фанларни ўқитишга қаратиш, асосан, биринчи босқичда ўқувчиларнинг саводини чиқариш, жума ва якшанба кунлари дам олишни жорий қилиш, 10 ойлик таҳсилдан сунг болаларга таътил бериш, ўқувчилардан вақти-вақти билан имтиҳон олиб туриш, болаларни ёруғ ва мумкин қадар шинам хоналарда ўқитиб, ўқитиш жараённида кўргазмали куроллар: глобус ва хариталардан фойдаланиш қоидаларига эътибор қаратилган.

1912 йилнинг охирларида Усмон Хўжанинг қариндоши Латиф Хўжа томонидан Говкушон маҳалласида янги мактаб очилади. Шаҳар савдогарлари ҳомийлигида ишлаган ушбу мактаб 2 синфдан иборат бўлиб, ҳар бир синфда 3 та глобус, китоблар, ўтириш ва ёзиш учун парталар, ўқувчиларга бериладиган дафтарлар, ўқув қуроллари, деворий тахта (доска) бўлган. Битта синфда бошлангич таълим олувчилар, иккincinnисида эса олти ой таълим олганлар ўқиган.

Дарсларни Усмон Хўжа ва Ёш бухороликлар партияси аъзоси Мулла Ғулом Қодирали олиб борган. Дарслар Самарқандда нашр этилган форс-тожик тилидаги дарслерлар асосида олиб борилган. 30 кишидан иборат икки синф укувчиларининг барчаси Бухородаги бой савдогарларнинг фарзандлари бўлиб, улар тез ва тўғри ўқийдиган бўлишган. Мазкур мактабда тан жазоси қўлланилмаган [47].

1912 йилда Бозори Нав гузарида ўқитувчи Мулло Хамидхўжа уйида янги мактаб очилади, унда 32 нафар ўқувчи бўлиб, дарслар рус тилида олиб борилган. Ўқитувчи Мулла Вафо дарсларни Граменидкий дарслиги асосида олиб борган. Кўп ўқувчилар олти ойда рус тилида равон ёзиб ва ўқиб билган. Мулла Вафо мактабида 30-35 бола ўқиган. Бундан ташкари яна бир қанча мактаблар фаолият кўрсатган. Бундай мактаблар Бухоро халқининг эътиборини қозонган ва ўзининг келажаги порлок эканлигини кўрсатган.

Айrim жадид мактабларида, масалан, Усмон Хўжа, Хамидхўжа Мехрий мактабларида бир неча ўқитувчи ишлаган, шунинг учун педагогика кенгаси фаолият кўрсатган, танаффус пайтида ўқитувчилар навбатчилик қилишган.

Мактаблар кўпинча унинг ташкилотчилари томонидан таъминлаб турилган, айrim ҳолларда, уларга бой-бадавлат кишилар ҳомийлик қилиб туришган. Булардан ташкари, мактабларнинг таъминоти ота-оналар томонидан бериладиган ўқиши пули хисобидан ҳам йўлга қўйилган. Масалан, Абдулвоҳид Мунзим (Бурхонов) ташкил этган мактабда ўқиши пули ойига 3 сўмни ташкил этган. Ўқувчиларнинг 15-20 % и, асосан камбағалларнинг фарзанди бўлиб, улар бепул ўқитилган. Шуни ҳам эътироф этиш лозимки, янги усул мактабида ўқиши пули анъанавий мактабга нисбатан анча юқорироқ бўлган, бу ўқув жараёнини ташкил этиш билан боғлик эди: анъанавий мактабда 6-10 йил ўқилса, янги усул мактабида 4 йил ўқитилган. Жадид мактабларида ўқитиш босқичлари ўқитиш усуллари ва ўқитиладиган фанлар аниқ бўлган.

Жадид мактаблари икки босқичда ташкил қилинган. Биринчи босқич бошлангич, иккincinnи босқич ўрта деб аталди. Биринчи босқичда таҳсил муддати 4 йил (1-4синфлар) бўлиб, биринчи иили форсча, арабча ёзув ва ўқиши ўргатилган. Қуръони Каримдан суралар ёд олинган. Ҳисоб илми ўргатилган. Иккincinnи иилида Ҳафтияқ, иймон ва эътиқод дарслари, туркий, форсий ва арабий тилларда шеърлар ўқитилган. Учинчи иилида эса Қуръони Карим, ислом ибодати, тажвид (қироат илми), Саъдийдан насиҳатлар (ахлоқ илми), туркий ва, форсий тил (тилшунослик илми) ўргатилиб, ундан иншолар ёздирилган. Ҳисобдан турли тақвимий ва иш юритиш каби зарурий жиҳатлар ўқитилган. Тўртингчи йилда Каломи шариф тафсири, муфассал тажвид, туркий ва форсий тилида назму наср (адабиёт), туркий ва форсий тил, ҳисоб, тарих ва жуғрофия ўқитилган.

Шунингдек, жадид мактабларида арифметика, география, табиатшунослик (қаттиқ асос, газ, ҳаво, иссиқ, совук), табиий билим асослари (шу жумладан, минералогия ва ҳаттоқи анатомия; химия ва физика элементлари) ўқитилган [48].

Мирзо Абдулвоҳид мактабининг ёпилиши билан ҳам мутаассибларнинг кўнгли жойига тушмаган. Чунки Мирзо Абдулвоҳиднинг мактаби ёпилганидан кейин 50 дан ортиқ ўқувчилар татар мактабига кириб ўқий бошлайдилар. Ушбу ҳолга чидай олмаган бухоролик уламолар Бухоро хукуматига мурожаат қилиб татар мактабининг ҳам ёпилишини талаб қиласидилар. Аввалига Бухоро хукумати ҳам, Россия элчихонаси ҳам бу ишни ҳал қила олмади, чунки татарлар Россия фуқароси бўлиб, улар Бухоро хукуматига бўйсунмас эдилар. Ниҳоят, бир чорани топадилар: бухоролик

болаларни ўкишга олмаслик шарти билан татар мактабининг ишлашига рухсат этилади [7]. Шунингдек, татар мактабининг ҳам ёпиб қўйилиши Бухорода норозиликни келтириб чиқарган. Бухорода яшаётган татарлар ва янги усул мактаби тарафдорлари бўлган Ёш бухороликлар партияси аъзолари мактабларнинг ёпилиши хусусида шикоят мактуби тайёрлаб, уни И.Гаспиринскийга топширганлар. “Таржимон” газетасида бухоролик муллалар номига битилган очик мактублар ҳам эълон қилинади. “Русиядаги мусулмон газета ва мажаллалари, узун мақолалар ёзиб, Бухоро ҳукумати ва уламосини тўғри танқидлар қила бошлади. Айникса, ҳажвий “Мулла Насриддин” мажмуаси бу воқеа муносабати билан маънодор расмлар билан Бухоро уламоси ҳакида бир сахифада, бир китоб маънини ифода қиласурган нарсаларни бутун саводли ва саводсизларнинг кўз олдиларига қўйди”, - деб ёзган эди Садриддин Айний [7].

Амирликдаги диний уламоларнинг янги усул мактабларига нисбатан муносабатларини Файзула Хўжаев қуйидагича ифодалайди: “Дунё бузилди, мусулмонликдан қайтган бир неча бойлар жадид мактаблари очиб, охиста-охиста болаларимизни диндан чиқаарлар. Олти ойда болаларнинг ҳат ва саводини чиқарсалар мадрасалар хароб бўлур. Дехқон болалари доно бўлғондан кейин амирга солик бермайдилар, хазина бўшаладур. Ҳаммамиз оч қолурмиз” [49].

Ўз вақтида амир ҳукумати ва жадидлар ўртасидаги муносабатларнинг гувоҳки бўлган Мирзо Салимбекнинг хотирлашича, янги усул мактабларида болалар жуда қисқа фурсатда савод чиқара боргани боис, унинг обрўйи ошиб борган. Эски мактабдан кўпчилик юз ўтириб, муллалар, ҳарбий-силоҳлар, савдогарлар, дўкондорлар болаларини янги мактабга ўкишга бера бошлашган. Янги усул мактабларидаги дарслекларнинг ҳаммасида диний коидаларига алоҳида эътибор берилган эди [50]. Аммо кейинчалик бу мактабларда дунёвийлик кучайиб борган.

Янги усул мактаблари нафақат Бухоро шаҳрида, балки амирликнинг барча беклик ва туманларида ҳам фаолият кўрсатади.

1908-1912 йилларда Каркида татар болалари учун мактаб, рус тилини ўрганувчилар учун очилиб, кутубхоналар ишга тушади. Қори Йулдош Пўлатов, Фазлиддин Махсум, Ҳожи Жўракул, Абдуфаттоҳжонлар бу жараёнда фаол иштирок этишган. Амирликнинг Шаҳрисабз беклигидаги Исломкул Тўқабо ўз уйида янги усул мактаби очиб, унда ишлаш учун Тошкент ва Самаркандан бир неча муаллимларни таклиф этган [30]. Ушбу муаллимлар томонидан кейинчалик бир неча мактаблар ташкил этилган.

1913 йилда амирликнинг Фиждувон туманида Абдул Ҳаким Хўжа бир неча янги усул мактабини очишга муваффақ бўлган. Унинг ўзи очган мактаблари учун дарслеклар ёзган, ёши катталар учун кечки мактаблар ташкил этилган.

1913 йилда Қоракўл туманида амлодор Ғулом Қодир билан Қози Икром бир мактаб очиб уз болаларини ва хоҳловчиларнинг болаларини ўқитишни ташкил этган. Бу ерда Сулаймонхўжа томонидан газета тарқатилиб, китоблар келтирилиб, кутубхона иши йўлга қўйилган. Шофиркон ва Вобкент туманларида ҳам ёшлар билан ишилаш, адабиётлар тарқатиш ва мактаблар очиш иши ташкил этилиб, татар муаллимларидан фойдаланилган [7].

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, янги усул мактаблари 1910, 1911, 1912, 1913 йилларда амирлик ҳудудлари бўйлаб кенг тарқалган, гарчанд, уларнинг ўқувчилари унчалик кўп бўлмаса-да, янги усулдаги мактаблар тўғрисидаги тасаввурнинг шаклланишига ҳамда аҳолининг ушбу мактабга нисбатан хайриҳо бўлишига ёрдам берган. Амирлик ҳукумати чекланган тарзда бўлса ҳам таълим тизимини ислоҳ қилиш ишига бир мунча муддат эътибор беради. Садриддин Айний таъкидлаганидек, ушбу мактаблар “ним (ярим) ислоҳ мактаблари” эди.

1912-1913 йилларда мактаб очиш, унинг ўқув жараёнларини тўғри ташкил этиши ишида маълум даражада силжиш кузатилган. Қози Бурхониддин каби мутаассибларнинг Бухородан кувилиши, айrim мансабдорларнинг вазифасидан четлаштирилиши оқибатида мактаблар масаласида вақтинчалик мўътадиллик вазияти юзага келади.

1912-1913 йилларда Бухоро шаҳрида мулло Абулқосим, Мукомолиддин Махсум, Фиёс Махсум Ҳусайн томонидан яширип мактаблар очилиб, уларда 100 дан ортиқ бола ўкишган.

Говкушон ховузи бўйида, Ҳовузи Арбоб гузарида мактаблар ишлай бошлайди. Пойи Остона гузарида русча ва мусулмонча мактаб очилади. Хиёбон гузарида Мирзо Исмоилбекнинг укаси томонидан катталар учун савод чиқариш мактаби ташкил этилиб, унда хат-савод ўргатиш, ҳисоб ва география ўқитилади.

Бухоро шаҳрининг Мор Кушон ва иккинчи Хиёбон гузарларида очилган мактабларни шаҳарнинг бой савдогарлари таъминлаб турган. Абул Қосим мактабидаги ўқувчилар сони 300 нафардан ортиқ бўлиб, ўқув икки сменада олиб борилиб, дарслар Техрон (Эрон)да нашр этилган дарслеклар асосида ташкил этилган [30].

Бухорода жадидчилик ҳаракатининг жонкуярларидан бири Ота Хўжа Пўлатхўжаев (Отаулла Хўжаев)дир. У маслақдошлари билан янги усул мактабини очади, бир неча ойдан сунг бу мактаб амир хукумати томонидан ёпиб қўйилади. Шундай булса-да, у таъкиqlарга қарамай, Бухорода яширинча кечки мактаблар очишида фаол қатнашади: Абдурауф Фитратнинг ўзи ҳам 1913-1914 йилларда Ота Хўжа Пўлатхўжаев билан бирга Шахрисабз ва Каркида мактаблар очиш билан машғул бўлган.

1914 йилда Бухорода ном чиқарган, машхур Усмон Хўжанинг мактабида 200 нафар, Эшон Ҳомид Хўжанинг мактабида (Бозори Нав гузаридаги) 100 нафар, Мулла Вафонинг мактабида 80 нафар ўқувчи таълим олган. Булардан Мулла Вафонинг мактабида дарслар рус тилида олиб борилган [25]. Рус тилидаги мактабга, асосан, савдогар, тижоратчиларнинг болалари борган. Янги усул мактабларининг кўпчилигига майда савдогар ва камбағалларнинг болалари таълим олишган. Бунинг асосий сабаби - хукумат томонидан жадид мактабига тазиик ўтказилиши эди. Шу боисдан бой табақа янги усул мактабидан хавфсирав эди. 1914 йилга келиб Бухородаги барча янги усул мактаблари қаттиқ қаршиликка учрайди. Амирликнинг ута мутаассиб руҳонийлари жадид мактаблари хусусида шундай “фатво” беришади: “У (яъни мактаб) шариатга қарши. Биринчи йилда ўқувчилар газета ўқиди, иккинчи йилда озодлик талаб қиласди, учинчи йилда эса олий ҳазратларини таҳтдан ағдаради”.

Амирликнинг чекка ҳудудларида янги усул мактаблари ҳам тазиикқа учрайди. Масалан, Коракўлдаги амалдор Ғулом Қодирнинг мактаби ҳам 1914 йилда амирликнинг фармони билан ёпилади [7].

1914 йилда “Ойина” журналида Мирзо Улуғбек жомеъ масжидининг муаззини 5-6 минг киши ҳузурида “ким боласини усули жадид мактабига берса, ўзи кофир, хотуни талоқ”, деб айтгани ҳақида маълумот берилади.

Шунга ўхшашиб маълумотни “Туркистон вилояти газетаси”да учратдик. Бу маълумотда: “Баъзи уламоларнинг фикрича, усули жадидни ўқиган бола кофир бўлар эмиш. Шунинг учун болаларни у ерга юборманглар деганлар. Аммо у ерда Куръон қоидалари, фарзи-айн каби ислом асослари ўқитилар эди. Яна муллаларнинг баъзиси усули жадид мактабларида болалар стол-стулларда ўтиришини кўриб, бу кофирларнинг стули дер эдилар”.

1914 йил 4 июлда амир Олимхон одатдагидек жума намозига борган пайтида мутаассиб руҳонийлар янги усул мактабларини ёпиш тўғрисида шикоят килишади. Қозикалон Бурҳониддин жадид мактабларини бадном қилувчи ва бу мактабларни тезда ёпишга қаратилган қўйидаги мазмунда амир Олимхонга ариза ёзади: “Амир марҳум даврларида уламонинг фатволари билан усули жадид мактабларининг ҳаром ва бидъатлиги событ бўлиб, жаноби олийнинг амрлари билан ёпилган эди. Бир неча вақтдан бери яна муфсид жадидлар бош қўтариб, шаҳарнинг ҳар тарафида мактаблар очиб, ҳалқнинг болаларини бузиб, фитна ва фасод кўзгатиб юрибдурлар. Агар жаноби олийнинг амрлари билан ушбу мактаблар тезлик билан боғланмаса, муллабаччалар бу бидъатни барҳам бермоқ учун ўзлари кўзгалишлари аниқдир. У ҳолда мамлакатда фитна ва фасодлар кўпайиб, давлати олийга зарар этиши эҳтимолдир” [7].

1914 йилнинг 5 июлида амир Сайд Олимхоннинг фармони билан Бухородаги барча жадид мактаблари ёпилади, мактаб ташкилотчилари ва муаллимлари аксарияти шаҳардан чиқарилиб юборилади.

**Хулоса.** Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, янги усул (усули-савтия) товуш чиқариб ўқиши мактабларининг Бухоро амирлигига пайдо бўлишида жадидчиликнинг “ѓоявий отаси” Исмоилбак Гаспиралининг хизмати катта бўлган. Унинг 1893 йилда Богчасарой (Кримда) Амир Абдулаҳад билан учрашиб, Бухорода “Музafferия” мактабига асос солишида “усули-савтия” мактаблари тарихи бошланди.

Янги усул мактаблари анъанавий мактаблардан қўйидаги жиҳатлари билан афзал эди.

Таълим жараёни синф-дарс тизимида олиб борилиб, ҳар бир соатдан сўнг орада 10 минутлик танаффуслар ўқувчиларга берилган, ўқувчилар стулларда ўтириб, ёруғ хоналарда таҳсил оларди. Уларга саводли татар муаллимлари ҳамда маҳаллий, хорижда ўқиб келган шахслар сабоқ берган.

Дарслар кўргазмали қуроллар (глобус, харита ва ҳоказо) орқали ўтилиб, ўқувчилар сабоқни куруқ ёдлаш билан эмас, балки товуш чиқариб ўқиганлар. Болаларнинг саводлари тез чиқиб, уларга кўпроқ дунёвий фанлар ўқитилган.

Мактабларнинг молиявий аҳволи, моддий-техник базаси, санитария-гигиена ҳолати эски мактаблардан яхши бўлиб, педагоглар кенгаши ташкил этилиб, мактабларда ўқитувчилар навбатчилик қилишган.

Бухоро амирлигидаги янги усул мактаблари ўқувчиларга бошлангич таълим (1-4 синфлар) бериб, ота-оналар иштироқида имтиҳонлар қабул қилинган. Бироқ ўрта ва олий таълим тизими уларда йўлга қўйилмаган эди.

Янги усул мактабларини дастлаб татар муаллимлар очган, 1908 йилдан бошлаб маҳаллий жадидларнинг ўз уйларида ва бадавлат кишилар хонадонида 30, 40, 50 тагача болалар ўқийдиган мактаблари бўлган. Ушбу мактабларнинг амирлик бўйлаб кенг тарқалиши ва кўпайиш даври 1911-1913 йилларга тўғри келади. Бу йилларда 200, 100, 150 кишилик янги усул мактаблари бўлган. Ушбу мактаблар Усмон Хўжа, Ато Хўжа, Абдувоҳид Мунзим, Ҳамид Хўжа каби Истанбул (Туркияда) таҳсил олиб келган ёшлар томонидан ташкил этилган.

Янги усул мактаблари диний мутаассиблар, реакцион амалдорлар талаби билан 1914 йил 5 июлда амирнинг маҳсус фармони орқали ёпиб қўйилган. Уларнинг муаллимлари ва ташаббускорларидан тушунтириш хатлари олинган. Мактаблар кофир мактаби, болалар утирган стуллар “кофир стули” каби фикрлар тарқатилиб, айрим муаллимларга тан жазоси (дарра билан савалаш) берилган.

Янги усул мактаблари фаолиятида ҳам муаммолар мавжуд эди. Энг аввало улар учун ягона ўқув дастури мавжуд эмаслиги, ҳар бир мактабда турли дарслик ва ўқув қўлланмалар ўқитилиши, муаллимларнинг етишмаслиги, асосан, бошлангич мактаб эканлиги, мактабларнинг хусусий ёхуд хайрия кўринишидалиги, шунингдек, молиявий муаммолар мавжудлиги ва хоказо.

### **Адабиётлар**

1. Абдусаттор Жуманазар. Ўргимчак китоби. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2003. - 96 б.
2. Абдусаттор Жуманазар. Бухоро таълим тизими тарихи. – Т.: “Академикаш”, 2017. - 592 б.
3. Амир Саййид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи (Форсийдан А.Ирисов таржимаси). – Т.: “Фан”, 1991. - 32 б.
4. Анке фон. Кюгельген. Легитимация среднезиатской династии мангитов в произведениях их источников. – Алмати: “Дайк-Пресс”, 2004. – 516 стр.
5. Арифджанов Э.Қ. XX аср бошларида Бухоро маданияти: ҳақиқат ва афсона. -Т.:Ўз РИИВ Академияси, 1998. -101 бет.
6. Ахмедов Б. Тарихдан сабоқлар. -Т.: “Ўқитувчи”, 1994. - 432 бет.
7. Айний С. Бухоро инқитоби тарихи учун материаллар. // Асарлар, I том. - Б. 213.
8. Бобоҷонова Ф.Ҳ. Бухоро амирлигидаги таълим тизими (XIX аср охири -XX аср бошлари) – Т.: 2014. -128 бет.
9. Бобоҷонова Ф.Ҳ. XIX асрнинг охири - XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги мадраса тизими. Педагогика маҳорат. -Бухоро, 2007-№2 – Б 30-35.
10. Бобоҷонова Ф.Ҳ. Бухоро амирлигидаги таълим тизими XIX аср охири-XX аср бошларида Бухоро (тўплам). -Бухоро, 2016. Б 89-91.
11. Бобоҷонов А. Ўзбекистонда педагогик фикр тараққиёти тарихидан. Т.: “Ўқитувчи”, 1962. - 136 бет.
12. Воҳидов Ш, Чориев З. Садр Зия и его библиотека (Из истории книги и книжной культуры в Бухаре в начале XX века) Книга 1. - Т.: “Янги аср авлоди”, 2007. -184 стр.
13. Гафуров Н. История культурной просветительство деятельности джадидов в Бухарском эмирате в конце XX - начале XX века. Авт. дисс. конд. ист.наук. -Душанбе, 1999. -30 стр.
14. Долимов У. Туркистанда жадид мактаблари. -Т.: “Университет”, 2006. -125 бет.
15. Йўлдашев Н., Курбонов Ҳ. Бухоро шаҳри ва унинг атрофидаги зиёратгоҳлар тарихи. - Бухоро, 2001. - 206 бет.
16. Йўлдашев Н. Абдурауф Фитранинг “Раҳбари нажот” (Кутқарув йўли) асаридан мухтасар фасллар. -Бухоро, 1996. 77 бет.
17. Муқимов З. Мовароуннаҳрда фиқҳ мактаби. -Самарқанд: “Зарафшон”, 1997. -102 бет.
18. Ремпель Л.И. Далекое и близкое. Страницы жизни быта строительного дела, ремесла и искусства Старой Бухары. Бухарские записи. – Ташкент: “Литературы и искусства”, 1981. -301 стр.
19. Сухарева О.А Позднефеодальный город Бухара. конце XIX – начало XX века. -Т.: АН Уз ССР, 1962. -194 стр.
20. Сухарева О.А Бухара XIX – начало XX в. -М: “Наука”, 1966. -327 стр.
21. Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар... Т.: “Фан”, 1992. -78 бет.
22. Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар... Т.: “Академия”, 2006. -181 бет.

- 23.Тухтаметов Т.Г. Россия и Бухарский эмират в начале XX века. - Душанбе: “Ирфон”, 1977. - 208 стр.
- 24.Хотамов Н. Свержение Эмирского режима в Бухаре. -Душанбе, 1997. -348 стр.
- 25.Шарипов Р. Туркистон жадидчилик ҳаракати тарихидан. –Т.: “Ўқитувчи”, 2002. - 176 бет.
- 26.Эргашев Б. Идеология национального освободительного движения в Бухарском эмиратае. -Т.: “Фан”, 1991. -84 стр.
- 27.Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат маърифат фидойлик. -Т.: “Маънавият”, 2002. -178 б.
- 28.Ҳайитов Ш., Раҳмонов К. Бухоронинг хориждаги талабалари. -Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2003. -26 бет.
- 29.Ҳайитов Ш., Раҳмонов К. Бухоро Ҳалқ Республикаси ва Германия: Ҳамкорлигининг тарихий лавҳалари. –Т.: “Фан”, 2006.- 102 бет.
- 30.Бухоройи Шариф (Янги Бухоро. 1912-1913)
- 31.Турон (Янги Бухоро. 1912-1913)
- 32.Улуг Туркестон (Тошкент, 1917-1918)
- 33.Таржимон (Боқчасарой, 1883-1917)
- 34.Бухоро ахбори (Бухоро, 1920-1923)
- 35.Озод Бухоро (Бухоро, 1923-1925)
- 36.Zeki Velidi Togan. Bugunki Turkili (Turkiston) ve vakim Turki.Istanbul. 1981. -354 v.
- 37.Talim ilmi hal se'adati ebediyye Altmis ikinchi baski. Itasirlayn M.Gumus Fatih. - Istanbul, 1995. 210 S.
- 38.Akincev cih Uslam peoples of the soviet Union-London Paul international 1983-462 p
- 39.Baymirza Hayit. Sovetlar Birligendeki Turklugun ve islamin bezi meseleleri // Turk dunyasi arastirmalari vakfi. Istanbul, 1987. - 260 s.
- 40.Zenkovsky S.A. Pan Turcism and islam in Russia. Cambrige, Massachusttes: Harulard Universitu Press. 1967. 88 p.
- 41.Paolo Sartori Altro Che Sheta. Covano e progresso in Turkestan (1865-1917). -Prato, 2003. -158 p.
- 42.Khalid A. The politics of Muslim cultural reforms: Jadidushi in Central Asia. -Berkeley, 1998.-335.
- 43.Turkistanda menilik hareketleri re ihtilallar: 1900-1924. Osman Hoch Anisina Incelemeler. Hozirlayan Timur Kochaoglu - haarlem, sota, 2001. - 500 s.
- 44.Йулдошев Н. Маърифат фидойилари // Гулистон. - Тошкент. 1991. - № 4. - Б.20-21.
- 45.Туркестанские ведомости, 1911. - 14 апрель.
- 46.Бендриков К.Е. очерки по истории народного образования в Туркистане (1865-1924). С. 260.
- 47.Ҳайитов Ш. Бадриддинов С. Эслатилган китоб. Б. 47.
- 48.Турсунметова Г. XX аср бошларида Туркистон таълим-тарбия тизимида жадид мактаблари. - Б. 124.
- 49.Хужаев Ф. Хотирамда // Бухоро ахбори. 1921.- №48.
- 50.Мирза Салимбек. Тарихи-Салими (источник по истории Бухарского эмирата). — Ташкент: Академия, 2009. С. 207.

## МУНДАРИЖА

Бахтиёр АДИЗОВ. Креатив фикрлашга йўналтирилган таълим технологиялари .....	5
Ширинбой ОЛИМОВ. Таълимни технологиялаштиришнинг асосий элементи .....	9
Болта ХОДЖАЕВ. Олий ўкув юртларида муаммоли таълим технологиясини қўллашнинг айрим жиҳатлари.....	15
Nasiba AZIMOVA, Zarina NASIMOVA. O‘qituvchi nazokatida dilkashlik va pedagogik takt.....	20
Акбар ГУЛБОЕВ. Педагоглар фаолиятини ташхис қилишнинг назарий ва методологик асослари....	26
Qobiljon ABDULLAYEV, Nargiza BOBOMURODOVA. Qadimgi mesopatamiyadagi madaniy-ma’rifiy taraqqiyot sarchashmalari .....	30
Гулия ҲАБИБОВА, Умида БАҲРИЕВА. Талабаларнинг мустақил иши - таълимни ташкил этишининг етакчи шакли сифатида.....	33
Лола ЭЛИБОЕВА. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини ошириша интерфаол таълим методларидан фойдаланиш .....	37
O‘lmas QURBONOVA. O‘zbekiston va Finlyandiya ta’lim tizimi: muammo va istiqbollar.....	42
Гулчехра ИЗБУЛЛАЕВА. Муслиҳиддин Саъдий Шерозийнинг “Гулистон” ва “Бўстон” асари юксак дидактик манба сифатида .....	46
Gulnoz TOSHOVA. Pedagogik faoliyat va uni takomillashtirishda pedagog mahorati .....	52
Manzura OCHILOVA. Sharq mutaffakkirlari merosida oilada bolalarni axloqiy tarbiyalash.....	57
Dildora TOSHEVA. Boshlang‘ich sinflarda “Atrofimizdagi olam” fanidan “Yashil dorixona” mavzusini o‘qitishning pedagogik-psixologik imkoniyatlari.....	61
Bobomurod JO‘RAYEV. Somoniylar davrida ta’lim tizimi va mazmuni.....	65
Dilfuza RAKHMONOVA. Equirements for preschool education teacher.....	70
Matluba XOJIYEVA. TA’LIM JARAYONIDA AKSIOLOGIK TARBIYANI TASHKIL ETISHNING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI .....	74
Нигина ИСМАТОВА. Оиласда болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланиш усул ва воситалари.....	79
Олимжон АХМАДОВ. Бухорода янги усул мактаблари фаолияти (XIX аср охири XX аср I чораги) .	83
Nilufar RAXIMOVA. Tarbiya va shaxs kamoloti .....	89
Gulshan SAIDNAZAROVA. Al-Buxoriyning hadislarida tarbiya masalasi .....	94
Нигора САЙФУЛЛАЕВА. Методика оценки развития экономического мышления у студентов вуза	98
Маърифат УМУРОВА. Мактабгача ёшдаги болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда мусиқанинг ўрни.....	103
Oybek ORTIQOV. O‘quvchi-yoshlarni milliy mafkura ruhida tarbiyalash mazmuni .....	109
Феруза РАМАЗОНОВА. Бўлажак ўқитувчиларда касбий эътиқодни шакллантириш педагогик муаммо сифатида .....	113
Olimjon AHMADOV, Dilnoza ELOVA. Buxoro bosmaxona va nashriyotlariga texnika sohasidagi yangiliklarning kirib kelish tarixidan (1920-1924-yillar).....	116
Madina BAXRAMOVA. Modulli ta’limni joriy etishning muammolari va yechimlari .....	120
Болта ХОДЖАЕВ, Ситора ШАРИПОВА. Талабаларнинг ўкув– билув фаолиятини активлаштиришда муаммоли таълим имкониятларидан фойдаланиш .....	124
Shaxlo XALILOVA. Jahon pedagogikasida pedagogik muloqotning zamонавиј uslublari va uning milliy pedagogik muloqot uslublari bilan integratsiyasi .....	129
Zuxriddin SHERNAZAROV. Abdulla Avloniyning ma’rifiy-pedagogik faoliyati .....	134
Феруза ЖУМАЕВА. Ўзбек оиласарида ёшларнинг оиласий тарбия ҳақидаги тасаввурларини шакллантириш .....	138